

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH VAZIRINING O'RINBOSARI

Мақтабгача таълим вазирлиги (Шинга),  
Молия вазирлиги (Ишметовга)

Мақтабгача таълим вазирлигининг мурожаатига (01-02/6-261-сон,  
28.09.2021 й.) розилик берилсин.

Мақтабгача таълим вазирлиги (Шинга)

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги 407-сон қарорининг пухта ва сифатли ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйганлиги учун мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат мақтабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов комиссияси раиси каттик огоҳлантирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги 407-сон қарорига асосан болаларни соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тўғри тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаганлиги ҳамда махсус семинар-тренинглار ўтказмаганлиги каби камчиликларга йўл қўйган вазирликнинг тегишли масъулларига нисбатан интизомий жазо чораларини кўрсин.

3. Туман (шаҳар) мақтабгача таълим бўлимлари ва аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузилган шартномаларга қўшимча келишув имзоланишини ва тадбиркорлар ўртасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини ва танловларнинг тўғри ташкил этилиши бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни ташкил этсин.

4. 2022 йил 1 февралга қадар Давлат мақтабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда бу борада аутсорсинг усулида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида танлов натижалари ва амалиётдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги 407-сон қарорига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин.

Молия вазирлиги (Ишметовга)

Молия вазирлиги Ғазначилиги туман (шаҳар) мақтабгача таълим бўлимлари ва аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузилган шартномаларга қўшимча келишувларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

М.М. Вахобовга, Д.И. Холмуродовга – назорат учун.



Б. Мусаев

2021 йил 30 сентябрь  
07/1-2472 30.09.2021 й.